# Наврўз айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!


Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 20-mart, № 12 (585)


БОШ ПРОКУРАТУРАДА

## ИНСОН ШАЪНИ МУҚАДДАС

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова Бош прокуратурага ташриф буюрди. «Омбудсманнинг прокуратура билан ҳамкорлиги» мавзуида бўлиб ўтган суҳбат чоғида С.Рашидова Ўзбекистонда Омбудсман институтининг ташкил этилиши ва бу институт томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил сўзлаб берди.

Меҳмоннинг айтишича, «Омбудсман» швед тилидан олинган сўз бўлиб, «воситачи» деган маънони англатади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминловчи мансабдор шахсдир. У фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолларда ташкилот ва мансабдор шахсларнинг фаолияти ёки фаолиятсизлиги юзасидан тушган шикоятларни кўриб чиқади ва тегишли ташкилотлар, масалан, прокуратура билан ҳамкорликда бузилган ҳуқуқларни тиклаш чорасини кўради.

Учрашув тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди.

**Нилуфар МИРАҲМЕДОВА,**
**Олий ўқув курслари ўқитувчиси**

ҚАДРИЯТ



Борлиқдаги уйғониш, янгиланиш ва яшариш озод ва обод Ватанимизга боқий байрам, қутбарака, тўкинчилик ва меҳру оқибат рамзи — Наврўзи олам кириб келганидан дарак беради. Фасллар келинчаги баҳорнинг фусункор санада борлиқ унинг кўзларига ўзгача жозибада жилоланади, кўнгли ҳар қачонгидан-да кўпроқ кувончга тўлади, чеҳрасидан табассум аримайди. Бир зумгина нафас ростлаб ортига, ўтган умрига назар ташлайди, қилган ишларини сарҳисоб этади, дилига янги, пок ниятлар тугади. Кўнглига яқин, қувончу ташвишларига шерик дўсту ёрлари йўлига илҳақ кўз тутади. Улар истиқболига пешвоз чиқади. Тўкин дастурхон атрофида эзгу тилаклар изҳор қилинади. Бу сана — ҳар бир инсоннинг ёруғ оламга келган таваллуд куни.

## Эзгуликнинг тумори — Наврўз

Офтобнинг илиқ тафтидан эркаланиб замин уйғонди. Кечагина оппоқ қор залворидан қадди-басти эгилган, қаҳратон совуқда дийдираган дов-дарахтларда умид куртаклари юз кўрсатди. Нозик новдаларга гул битди, қийғос гуллаган боғлар капалак ва болариларга ошён бўлди. Ҳамалнинг оламни тутган эркаловчи ифорларидан қалблар энтикади, шўхчан учаётган қалдирғоч қанотларининг саси юракларда ажиб ҳис уйғотади. Тоғу тошдан шарқираб оқиб келаётган оби-ҳаёт сой ва ариқларни тўлдиради, аёздатин олган чархпалаклар яна айланишга тушади. дамларида уйғонаётган табиатга боқиб, бугунги нурафшон кунларга, ҳаётнинг бебаҳо неъматларига соғ-саломат етишганимиз учун, жаннатмонанд юртимиз осойишталиги ва осмонимиз мусаффолиги учун Яратганга шукроналар айтамиз.

Ҳар бир кишининг ўзи учун унутилмас, қадрдон ва ардоқли санаси бор. Замон қандай эврилиши, ҳаёти қандай кечишидан қатъи назар, унинг учун шу сана қадрдонлигича, дилига яқинлигича қолаверади. Шу санани муносиб кутиш учун имкон қадар ҳозирлик кўради. Ҳовли-жой супуриб-сидирилади, тартибга келтирилади. Дастурхон тузалади. Шу

Таъбир жоиз бўлса, Наврўзни ҳам мўйсафид оламнинг таваллуд санасига қиёслагимиз келади. Қиш уйқусидан кўз очган табиат Янги кунга юз тутади. Табиатдаги уйғониш одамлар кўнглига ҳам кўтаринки кайфият бахш этади. Қуёшнинг заррин нурлари ўлкамизнинг ҳар бир пучмоғини ёритгани каби Наврўз нашъу намоси шаҳар ва қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз, кўча-ю хиёбонларимизга ўзгача чирой, файзу тароват бағишлайди. Баҳорги тенг кунлик бошланиб, Қуёш Ҳамал буржига киради.

(Давоми 4-бетда).

САРҲИСОБ

## ҲАР СОҲАДА ҚОНУН УСТУВОР

**Бугун биз барпо этаётган жамият демократик тузум, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни ўзида мужассам этади. Бундай давлат фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини бирдай ҳимоя қилувчи қонунлар асосида бошқарилади. Қонунлар эса ижроси билан янада кучли. Андижон вилоят прокуратураси органлари томонидан қонунлар ижроси бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Муқимжон ЭГАМБЕРДИЕВ билан суҳбатимиз шу хусусда борди.**

**— Ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, интилишлари, баркамоллиги ҳар бир мамлакат тараққиётининг асоси ҳисобланади. Юртимиз порлоқ келажак сари одимлар экан, бу масала доимо диққат-эътиборда бўлиб келмоқда. Суҳбатимизнинг аввалида «Ёшлар йили» дея номланган йилнинг моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

— 2008 йилнинг Президентимиз томонидан «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги йўлида ҳукуматимиз сиёсатининг собитқадам эканлигига яна бир далилдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг кўпроқ қисмини ёшлар ташкил этади. Демак, Ўзбекистоннинг эртаси ёшлар қўлида. Президентимиз Конституциямизнинг 15 йиллигига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида: *«...фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзини амалда намоён этиши учун майдонни кенгайтириш керак»*, деганида яна бир бор эртанинг умиди ёшлардан эканини таъкидлаганди.

Ёшларни жўшқин дарёга ўхшатиш мумкин. Уларни тўғри йўналтирсак, тарбияласак, бунёдкорлик кенг авж олиб, жамият равнақ топади. Аксинча, бефарқ бўлсак, ўз ҳолига ташлаб қўйсак, улар жамият учун зарарли шахсларга айланиши мумкин.

Ўсмир қачон жиноят кўчасига киради? Эътиборсиз қолганда. Шу боис, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг спортга қизиқишидан келиб чиқиб, турли хил тўгаракларга жалб этилаяпти. Албатта, бундай тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда вилоят прокуратураси органлари ходимлари ҳам ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан камол топиши, буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиб етишишига ҳисса қўшиш асосий мақсадимиз бўлиб қолаверади.

**— Маълумки, вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш нафақат ижтимоий, балки сиёсий аҳамиятга молик масала. Шу ўринда вилоят прокуратура органлари томонидан «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижроси борасида қандай ишлар амалга оширилди?**

— Жиноятларнинг сабаблари таҳлил қилинганда, аксарияти бекорчилик ёхуд ишсизликка бориб тақалади. Демак, аҳолини иш билан таъминлаш энг долзарб масала ҳисобланади.

Назорат тадбирларида асосий эътибор, аҳолини иш билан таъминлаш, фуқароларни ишсиз шахс сифатида рўйхатга олиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга қўшимча кафолатларни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, ишсизларга нафақалар бериш ва мақсадли кредит маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлигига қаратилмоқда.

Маълумотларга кўра, 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига меҳнат бўлимларига 44 минг 852 нафар шахс иш сўраб мурожаат қилган бўлиб, уларнинг 39 минг 451 нафари ёки 88 фоизи иш билан таъминланган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга қўшимча кафолатларни таъминлаш мақсадида 273 та хўжалик юритувчи субъектларда 5324 та иш ўринлари квоталаниб, бу ўринларга шу тоифадаги шахслар ишга жойлаштирилган.

Ўтган давр мобайнида тижорат банклари орқали 2693 нафар тадбиркорга 3021 та янги иш ўринлари яратиш шарти билан 2,8 млрд. сўм имтиёзли кредитлар берилган эди. Йил якунида эса ҳақиқатда 2850 та иш ўринлари яратилиши таъминланган, холос. Бу натижа қониқарли эмас, албатта.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармаси масъул ходимлари тижорат банклари билан ҳамкорликда имтиёзли кредит маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва шартномада белгиланган иш ўринларини тўлиқ яратилиши аҳволи юзасидан мониторинг текширишлари ўтказиб боришмаган. Шунингдек, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик етарли даражада ташкил этилмаган.

Айрим ҳолларда бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан ходимларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги ҳақидаги варақаларга ҳақ тўлашда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйиб келинган. Жумладан, Хўжаобод тумани «Манак» ҚФЙ Дилкушот маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи А.Ҳамидовнинг касал бўлганлиги сабабли марказ маъмуриятига тақдим этган «вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги» ҳақидаги варақа маъмурият томонидан инобатга олинмасдан ижтимоий нафақа тўланмаганлиги хусусидаги мурожаати асосида текшириш ўтказилган.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# ҲАР СОҲАДА ҚОНУН УСТУВОР

Текширишда туман Марказий шифохонаси мансабдор шахслари Ўзбекистон Президентининг 532-қарори ва Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтган 873-йўриқнома талабларини бузганлиги, туман Бандликка кўмаклашувчи Марказ ходимлари эса муаллифга ҳисобланган 145,5 минг сўм нафақа пулини асоссиз равишда бериш чорасини кўрмасдан келганликлари аниқланган.

Текшириш натижаларига кўра, А.Ҳамидовга ҳисобланган 145,5 минг сўм нафақа пулини ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Мазкур қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, қонунбузарликларни бартараф этиш ҳақида 82 та тақдимнома киритилди, 104 нафар шахс расман огоҳлантирилди. Прокурорлар тақдимнома ва қарорлари асосида 97 нафар шахс интизомий, 152 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 314,4 млн. сўмни ундириш ҳақида судларга 383 та даъво аризалари киритилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолати юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

***— Аҳолининг муайян қисмини иш билан таъминлашда тадбиркорлар ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Демак, бугунги кунда тадбиркор нафақат ўз мулкигагина эга бўлиб қолмай, муҳим масалалар ечимини топишда ҳам кўмак бераяпти. Бугун ана шу тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қандай ҳимоя қилинмоқда?***

— Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчига айланиб улгурди. Вилоятда жами 35 минг 504 та тадбиркорлик билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар бўлиб, уларнинг 16 минг 955 тасини фермер хўжаликлари, 13 минг 296 тасини якка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этади. Тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига, кичик корхоналар фаолиятларини ривожлантириш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 43,3 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, республика Президенти ва ҳукуматнинг тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга кафолатлар берувчи фармон ва қарорлари ижроси бўйича қонунийлик аҳволига оид маълумотлар мунтазам таҳлил этилиб, асосий эътибор иқтисодий муносабатлардаги ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга қарши курашда мансабдор шахслар, бошқарув органлари, текширув-назорат идораларининг масъулиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлашга қаратилмоқда.

Ўтган йил давомида тадбиркорлик субъектларига прокурор аралашуви билан 457,7 тонна минерал ўғит, 96,8 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, 98 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари, 421,2 гектар ер олиб берилди. Судларга мазкур субъектлар фойдасига 891,5 млн. сўмни ундириш ҳақида 72 та даъво аризаси киритилди. 125 нафар тадбиркор имтиёзли рўйхатдан ўтказилиши таъминланди.

***— Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шароитида, айниқса, юртбошимиз томонидан жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш бўйича белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга оширишда прокуратура органлари фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Вилоят прокуратураси органлари жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳам қатор ишларни амалга оширдилар. Суҳбатимиз якунида шу ҳақда ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.***

— Бош прокурорнинг 2004 йил 9 декабрдаги 31-сонли буйруғи талабларидан ҳамда мазкур йўналишда энг долзарб масалаларни ижобий ҳал этиш заруриятидан келиб чиқиб, 2005 йил 30 мартда бўлиб ўтган Мувофиқлаштирувчи Кенгашда 2005-2010 йилларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорликдаги тадбирлар Дастури тасдиқланган.

Мазкур Дастурнинг ижроси ҳар чоракда таҳлил қилиниб, ҳар йили жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш, фош этиш ва жиноят содир этганлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш юзасидан режалар ишлаб чиқилмоқда ва улар ҳаётга татбиқ этиляпти.

Жорий йил қиш фаслининг ўта совуқ келиши ҳамда соҳадаги қонунийлик таҳлили натижаларини инобатга олган ҳолда вилоят ИИБ ва СВОЖЖДЛҚК бошқармаси билан ҳамкорликда кўмир маҳсулотларини талон-торож қилиш ва ноқонуний муомалага киритишга қарши кураш борасида алоҳида тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, истеъмолчиларга газ, электр энергияси ва ичимлик сувини узлуксиз етказиб бериш, чегара ҳудудларида паспорт режимига риоя этилиши, четдан сифатсиз ва сертификатсиз товарларнинг кириб келишига қарши курашни кучайтириш чоралари кўрилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида экинларнинг пайҳон қилиниши, минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг талон-торож қилинишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали мазкур соҳада меҳнат қилаётган минглаб фермерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофаза қилинаяпти.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш самараси паст бўлган шаҳар ва туманларда умумий жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ўсиш сабаблари ўрганилиб, жиноят содир этишга мойил шахслар, муқаддам судланганларга нисбатан профилактика ишлари, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спиртли ичимликлар савдосини тартибга солиш, жанжалкаш оилаларга нисбатан жамоатчилик таъсирини кучайтириш каби тадбирлар кучайтирилмоқда.

Хуллас, ўтган йил вилоят прокуратура органлари учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида ўз ўрнига эга бўлиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фош этиш ҳамда жиноят содир этганлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасида навбатдаги синов йили бўлди, десак хато қилмаймиз.

**Суҳбатдош: Маҳпурахон ОРТИҚОВА**

# МАВСУМГА ШАЙМИСИЗ?

Муқобил машина-трактор паркларининг ишчи-хизматчилари ерни экишга тайёрлашдан ҳосилни йиғиштириб олишгача фермер хўжаликларига хизмат қилишади. Хизматларининг ҳажми ва сифатига кўра ҳақ олишади. Экишдан тортиб йиғим-теримгача агротехника тадбирларини кечиктирмай, ўз вақтида ўтказиб бориш техника воситаларининг созлигига боғлиқ. Бироқ, бу оддий ҳақиқатга панжа орасидан қараётган ишчи-мутахассислар трактор, сеялка, культиватор — барча механизмларни бекаму кўст шайлаб қўйишдан иборат хизмат вазифаларини пайсалга солишган.

Хусусан, техника воситаларининг мавсумга тайёрлиги мониторинг тарзида ўрганилганида, А.Бағдодий номли муқобил МТПда Жўрабой Ғойибназаров бошқарадиган ТТЗ-100 русумли тракторнинг айрим қисмлари носозлиги, культиватор таъмирланмагани аён бўлди. 2 та Т-28 русумли тракторлар техник назоратдан ўтказилмаган. Таъмирланган минерал ўғит сепувчи агрегатнинг занжири мойда қайнатиб сақлашга қўйилмаган. Эҳтиёт қисмлар омборида эҳтиёт қисмлар миқдори ёзиб қўйилмаган, бетартиб сақланган. Ишчи-хизматчилар меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича ўқитилиб, синовдан ўтказилмаган.

Чунончи, механизатор В.Усмонов, А.Зокиров, Т.Юнусов хавфсизлик техникаси йўриқномасидан ўтказилмасдан ишга чиқарилган. Бош ҳисобчи А.Турдалиев, ер тузувчи А.Сиддиқовлар ҳам техника хавфсизлиги қоидаларидан бехабар ишлаб келишган. Корхонада ёнғин хавфсизлиги қоидаларига менсимай қаралган. Ишчи ходимлар иш коржомалари, зарарли меҳнат шароитларида ишловчилар эса сут маҳсулотлари билан таъминланмаган.

Қоракўл-Чуваланчи ММТПида ҳам техника воситалари мавсумга тўкис шайлаб қўйилмаган. Жумладан, ҳайдов тракторининг двигатели таъмирталаб, ғилдирак шиналари яроқсиз. Ю.Сотволдиев бошқарадиган чопиқ тракторининг ёритиш ва бурилиш чироқлари ўрнатилмаган. Бундай ҳоллар йўл-транспорт ҳодисасини келтириб чиқаради. Иккита транспорт тракторлари техник текширувдан ўтказилмаган. 3 дона темир мола мавсумга ҳозирланмаган. ОШУ русумли чанглатгич қоидага хилоф равишда занжирлари ечиб олинмай сақлашга қўйилган.

Марказий устахонанинг электр пайвандлаш хонаси санитария талабларига жавоб бермайди, майда темир чиқиндилардан тозаланмаган, биринчи тиббий ёрдам аптечкаси йўқ. Омбордаги эҳтиёт қисмлар ерда бетартиб, қалашиб ётибди.

Туман прокуратураси зудлик билан камчилик ва нуқсонларни бартараф этиб, барча техника воситаларини мавсумга бекаму кўст ҳозирлаб қўйиш борасида мутасадди ходимларнинг масъулиятини кучайтириш чораларини кўрди. 4 та ҳолат бўйича тақдимномалар киритилиб, хизмат вазифасига бефарқ муносабатда бўлган 4 нафар масъул ходим интизомий жавобгарликка тортилди.

**Муродил ФОЗИЛОВ,**
**Бағдод туман прокурори**

# ИНТИЗОМ — БОШ МЕЗОН

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кутилган самарани бериши кўп жиҳатдан қонунларнинг оғишмай ижро этилишига боғлиқ. Ижро интизомини таъминлаш эса прокуратура органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Жамоатчи мухбиримизнинг* ***Ҳазорасп туман прокурори Хайрулло ҲАСАНОВ*** *билан суҳбати туманда қонунчилик аҳволи хусусида бўлди.*

*— Суҳбатимизни туманда қонунчиликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлардан бошласак...*

— Ўтган йили туманимизда қонунчилик аҳволини таҳлил қилган ҳолда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўловларини белгиланган муддатларда тўлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалаларига устувор аҳамият берилди.

Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, 1465 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларининг бартараф этилиши таъминланди.

Прокурор тақдимномалари ва қарорлари асосида 91 нафар шахс интизомий, 108 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Ишчи-хизматчиларнинг 74 млн. 264 минг сўмлик иш ҳақларини ундириш борасида судга 22 та даъво аризаси киритилиб, бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва бандлигига доир қонунлар ижроси бўйича текширишлар ўтказилиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилди. Масалан, туман бандликка кўмаклашувчи марказнинг шўъба мудири У.Абдуллаев иш сўраб мурожаат қилган 163 нафар фуқарога ҳужжатларни тегишли тартибда расмийлаштирмасдан 2 млн. 525,9 минг сўмлик ишсизлик нафақаси тайинлаган. Ишсизлик нафақаси тайинлаш учун асос бўлувчи «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддаси 19-бандига асосан қабул қилиш мажбурий ҳужжат ҳисобланган фуқаролик паспорти, меҳнат дафтарчаси, маълумоти, касбий малакаси мавжудлигини тасдиқловчи ва фарзандларининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар нусхаларини ғаразли мақсадларда йўқ қилгани аниқланди. Бу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорнинг жавобгарликка тортилди.

*— Қишлоқ хўжалиги соҳаси Ҳазорасп тумани иқтисодиётининг асосий тармоғи ҳисобланади. Туманда шу соҳага оид қонунлар ижроси қандай таъминланмоқда?*

— Прокуратура органлари томонидан бу соҳада мунтазам равишда назорат тадбирлари амалга оширилаётгани натижасида туман бўйича пилла, дон ва пахта маҳсулотлари етиштириш борасида тузилган контрактация шартномалари бажарилиши таъминланди.

Ўтган йили бу йўналишда 21 та текшириш ўтказилди. Натижалари бўйича қонунбузилишига имкон берган сабабларни бартараф қилиш борасида 39 та тақдимнома киритилди. 518 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилиб, прокурор қарори ва тақдимномаларига асосан 52 нафар мансабдор шахс интизомий, 217 нафар шахс маъмурий, 2 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузарликлар юзасидан 8 та жиноят иши қўзғатилди.

«Питнак пахта тозалаш» шўъба корхонасида уруғлик ва техник чигитнинг сақланиши ўрганилганда, омбор мудири У.Ражабов томонидан жавобгарлигидаги 503,4 тонна 12 млн. 391 минг сўмлик чигит талон-торож этилгани аниқланди. Бу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, У.Ражабовнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

*— Амалиётнинг кўрсатишича, айрим шахслар томонидан мансаб ваколати суиистеъмол қилиниб, талон-торожликларга йўл қўйилмоқда. Бу каби суиистеъмолчиликларга барҳам бериш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб берсангиз...*

— Ўтказилган текширишларда мансаб ваколатидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, жамият мулкини жуда кўп миқдорда ўзлаштириш, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш каби жиноятлар содир этилганлиги маълум бўлди.

Жумладан, Ҳазорасп йўл хўжалиги корхонаси раҳбари Ф.Бобоев ишчи-хизматчиларга ойлик маош учун тарқатилиши лозим бўлган 3,4 млн. сўмни ўзлаштириб юборган бўлса, «Коммунал фойдаланиш» МЧЖ раиси П.Қўзиев ободонлаштириш ва капитал таъмирлаш учун ажратилган маблағни асоссиз равишда хусусий корхоналарга ўтказиб, сохта кирим ҳужжатлари расмийлаштириб, 2,6 млн. сўмни талон-торож қилган. Мансабидан шахсий манфаати йўлида фойдаланиб келган мансабдорлар жиноий жавобгарликка тортилди.

Бу каби тадбирлар натижасида туманда жорий йилнинг 1 январига дебитор қарздорликни 92,1 млн. сўмга, кредиторлик қарзларини эса 35,8 млн. сўмга камайтиришга эришилди.

**Суҳбатдош: Улли БОБОЕВ**

## САҲИФАМИЗДА: ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРОБОД ТУМАН ПРОКУРАТУРАСИ



# Ҳуқуқий кафолат муваффақият гаровидир

Бугун мамлакат ҳаётининг қайси жабҳасига қарамайлик, ўзгаришлар, янгиланишлар бўлаётганини, тараққиёт йўлидан шаҳдам қадам ташлаб борилаётганини кўриш мумкин. Албатта, буларнинг барчаси юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқийислоҳотларнинг самарасидир. Шу жумладан, прокуратура тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент шаҳар прокуратураси раҳбариятининг буйруқ ҳамда кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда Миробод туман прокуратурасининг фаолияти ҳам қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлашга қаратилгандир.

Агар туман прокуратураси томонидан ўтган 2007 йилда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналиши бўйича ўтказилган тадбирлар сони 26 тани, прокурорлик таъсир чоралари 766 тани ташкил этди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 33 та жиноят иши қўзғатилиб, 41 та ғайриқонуний қарор ва буйруқларга протест киритилди. 188 нафар шахс келгусида қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилиб, қонунбузарлик ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида 43 та тақдимнома киритилди. Прокурор тақдимномалари ва қарорлари асосида 31 нафар шахс интизомий, 98 нафар шахс маъмурий, 12 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди. Етказилган 3 млн. 181 минг сўмлик зарар ихтиёрий тўланишига эришилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига 320 та (105 млн. 447 минг сўмлик) даъво аризалари киритилди.

Ўтказилган текширувлар асосан жамиятимизда бўлаётган иқтисодий ўзгаришларнинг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи қонунлар, жумладан, ўрта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя этиш, банкротлик ва санация, меҳнат, соғлиқни сақлаш, мулк, тўлов интизоми, ёқилғи, энергетика ресурсларининг сақланиши, банклар ва нақд пул муомаласи, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги қонунлар ижроси назоратига қаратилди. Албатта, бу соҳаларда ижобий натижаларга эришилаётган бўлса-да, баъзан қонунбузилишига ҳам йўл қўйилаётганлиги аниқланмоқда.

2008 йилнинг 1 январь ҳолатига туманда иссиқ сув ва иссиқлик қувватидан қарздорлик 250 млн. сўмни ташкил қилган. Ушбу қарздорликни бартараф этиш мақсадида 2188 та (206 млн. 578 минг сўмлик) даъво аризалари судга киритилиб, уларни тўлиқ ундиришга эришилди.

Туман прокуратурасининг олиб борган тушунтиришлари натижасида 2007 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида аҳоли томонидан иссиқ сув ва иссиқлик қувватидан 7 млн. 200 минг сўм қарзлар тўланган.

Жиноятни очиш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш дастлабки тергов ва суриштирув ишларининг сифатини яхшилашга боғлиқдир. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда ички ишлар бошқармаси, маҳаллалар ва жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда ишлаш ўз натажасини бермоқда. 2007 йил 31 декабрь ҳолати бўйича 1287 та жиноят рўйхатга олинган бўлса, улардан 1099 таси бевосита кенг ҳамкорлик ёрдамида фош этилди.

Бола манфаатлари ҳимояси кечиктириб бўлмас вазифалардандир. Чунки боланинг нечоғли тўғри тарбия олиши, соғлом муҳитда вояга етиши эртанги кун ютуғи кафолатидир. Шундай экан, бу борада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар талабидан келиб чиқиб, асосий эътибор ушбу тумандаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар қаровсиз ва назоратсиз қолишининг олдини олиш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик чораларини кўришга қаратилган.

Ўтган йилнинг август ойида тумандаги «Фурқат» истироҳат боғида «Ёшлар наркоманияга қарши» мавзусида тадбир ўтказилиб, унда 400 нафар вояга етмаганлар иштироки таъминланди. Шунингдек, тумандаги 57-сонли махсус ёрдамчи мактаб ўқувчилари учун туман прокуратураси, ИИБ, жиноят ишлари бўйича туман суди ва «Камолот» ЁИҲ туман бўлими билан ҳамкорликда байрамлар муносабати билан маданий тадбирлар ташкиллаштирилди. Ушбу мактабнинг ёрдамга муҳтож 35 нафар ўқувчисига ҳар ойда автобусларда мактабга келиб-кетишлари учун йўл чипталари олиб берилди.

Миробод тумани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан ҳамкорликда амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар натижасида 2007 йилда туманда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 27,4 фоизга (яъни 62 тадан 45 тага) камайган.

2007 йил мобайнида судда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини тўлиқ таъминлашга эришилди. Давлат айбловининг сифатли қўлланилиши натижасида суд ҳукмлари сифати яхшиланди, апелляция, кассация ва назорат тартибидаги шикоятлар асосида ҳукмларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳолатлари кескин камайди.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида фуқароларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2007 йил мобайнида туман прокуратурасига 1082 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, улардан 272 таси ҳал қилиш учун бошқа муассасаларга юборилди, 66 таси жиноят ишларига қўшилди. 744 та ариза ва шикоят туман прокуратураси томонидан ҳал этилиб, шундан 61 таси қаноатлантирилди.

Қонунбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашда қонунларни тарғиб қилиш алоҳида ўрин тутади. Бу борада 2007 йил давомида 762 та тадбир ўтказилиб, шундан 683 таси меҳнат жамоалари, маҳаллаларда аҳоли билан учрашув ва суҳбатлар тарзида ташкил этилди. Қонунлар тарғиботида ОАВ имкониятидан ҳам кенг фойдаланилди. Мақолаларда прокуратуранинг қонунбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолияти, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, иқтисодий соҳадаги қонунчилик ҳамда ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш мавзулари атрофлича ёритилди.

**Ислом ЭРГАШХОДЖАЕВ,**
**Миробод туман прокурори**

***Инсон борки ҳаётда гоҳида билиб, гоҳида билмай хатога йўл қўяди. Албатта, ҳеч қачон адашмайдиган, мукаммал инсоннинг ўзи йўқ. Баъзан, шайтон васвасасига учиб кечириб бўлмас ишлар қилиб қўйганида, деворга пешонаси тақ этиб урилганидан кейин айримлар қилмишидан пушаймон бўлиб, бундай хатога бошқа йўл қўймаслик учун ўзига тегишли хулоса чиқариб олади. Аммо ҳаётда меҳнатга ён бермайдиган ва ҳар қандай қилмишидан келиб чиққан оқибатни тақдирдан деб билгувчилар ҳам учраб туради.***

# Оқибатини ўйламаганда...

Равшан ёшлигидан енгил ҳаёт кечиришга, осонликча пул топишга одатланиб қолган эди. Ҳали ўн тўққизга кириб улгурмасиданоқ, жиноят содир этиб судланди. Уни таниган-билганлар биринчи бор жиноят кўчасига кириб қолганида, ёшлик қилиб қўйибди-да дейишди. Жазони ўтаб келганидан сўнг, насиҳат қилишди. Лекин бу гаплар Равшанга кор қилмади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан туриб, у яна жиноят кўчасига кирди. Аммо бу сафар унга насиҳат қилишга ҳеч ким ботинолмади.

Чунки бу унинг ҳаёт тарзига айланиб қолган эди. Шу зайл у бирин-кетин беш маротаба судланди. Охирги бор суд ҳам унинг қилмишларидан келиб чиқиб, хавфли рецидевист деб топди. Озодликка чиққанидан кейин у қатъий назорат остига олинди. Суд қарорига кўра бир йилга унинг хатти-ҳаракатларига маълум бир чеклашлар қўйилди. У бу борадаги чеклашларни бир марта бузганида профилактика инспектори томонидан текшириш вақтида уйида бўлмаганлиги учун жарима солиниб, унинг бундай хатти-ҳаракати яна бир бор такрорланса жиноий жавобгарликка тортилиши тушунтирилган эди. Бироқ, бу ҳам унга яна жиноят содир этишига тўсқинлик қилолмади.

Энг ачинарлиси шундаки, у ҳаётининг кучга тўлган, энг гуллаган даврини темир панжара ортида ўтказиб, қолган умрини ҳам хазон қилди.

Ўша куни кечки пайт у Фурқат боғига борди. Бироз у ёқ-бу ёқни айлангандек бўлди. Ёлғиз юраверишжонига теккач, шу атрофдаги кафега кириб тамадди қилди. Иштаҳани очиш учун ароқ ичди. Қорни тўйиб, кайфи тарақ бўлгач, Рисовий бозор томон йўл олди. Шу тариқа у кеч соат ўн бирларгача тентираб юрди. Ёлғизлик жонига текканидан сўнг, яна кафега кириб ароқ ичди. Ичилган икки юз грамм ароқ ўз ишини бошлади. У чўнтагида сариқ чақаси қолмаганини билгач, кайфияти бузилди. Кафедан чиқиши билан пул топиш мақсадида шу яқин орадаги уйлардан бирининг деворидан ошиб ўтиб, бир амаллаб уйга кириб олди. Ҳаммаёқни бирин-кетин тита бошлаганида нариги хонада ёш боласи билан ухлаб ётган Халима шовқиндан чўчиб уйғониб кетди.

— Кимсиз, бу ерда нима қилаяпсиз?

— Бақирсанг ўлдираман?

Халима гарчи аёл киши бўлса-да, Равшаннинг дағдағасидан қўрқмасдан унга қаршилик кўрсатишга куч топа олди. Лекин Равшаннинг қўлидаги пичоқни тортиб олмоқчи бўлиб, пичоққа ёпишганида пичоқ қўлини кесиб юборди. Халима минг уринса-да кучи етмагач:

— Кетинг бу ердан, ҳозир эрим келади, — дейишдан нарига ўтолмади.

Бу гап Равшанга сал бўлса-да таъсир қилдими ошхонада турган 5 литрлик идишдаги ўсимлик ёғини олиб, уйдан чиқиб кетди. Ёғни сотиш мақсадида Қўйлиқ бозори томон йўл олди. Бозорда ёғни номаълум аёлга 17 минг сўмга пуллаб, уч кун базми жамшид қилди.

«Бузоқнинг югургани сомонхонагача» дейди доно халқимиз. Равшан бу қилмишидан қўлга тушганидан кейин пушаймон бўлган бўлса-да, лекин босқинчилик йўли билан қилган жиноятини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди.

**Нортожи ХАЛИЛОВ,**
**Миробод туман прокурорининг ўринбосари**

# Тўғри йўлдан адашманг

Хусусий бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун бугун жуда кенг имкониятлар мавжуд. Энг муҳими бундай фаолиятнинг ҳуқуқий кафолатлари яратилган. Одатда тадбиркор деганда ҳам ўзига, ҳам жамиятга наф келтирадиган, турмуш фаровонлигининг ошишига ҳисса қўшадиган ишбилармон тушунилади. Аммо орамизда кўпроқ шахсий манфаатини кўзловчи «тадбиркорлар»нинг гоҳида учраб тураётганлиги дилни бироз хира қилади. Ана шундайлардан бири тошкентлик Л.Жалилов(исм-шарифи ўзгартирилган)дир. У тадбиркорликка қўл урганида фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйганди. Лекин кўпроқ фойда олиш илинжи уни тўғри йўлдан оздирди.

Лазиз якка тартибдаги тадбиркор сифатида барча тегишли ҳужжатларга эга бўлса-да, дўконида келиб чиқиши ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаган молларни сотиш одатини чиқарди. Пештахталари турли русумдаги уяли телефонлар билан тўлдирилган дўкони қисқа муддатли текширувдан ўтказилганда 23 млн. 991 минг сўмлик, жами 1104 дона телефонлар аксессуарлари билан кирим қилинмаганлиги ва ҳеч қандай сифат ҳужжатларга эга эмаслиги маълум бўлди. Тадбиркор Л.Жалиловнинг бундай ҳаракатлари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февраль кунги 75-сонли ҳамда 2002 йил 5 августдаги 280-сонли қарорлари талабларини бузган. Шу боис унга нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Халқимизда «кўза кунда эмас, кунида синади» деган нақл бор. Фуқаро З.Зокиров ҳам валюта қимматликлари фақат белгиланган жойларда ҳамда тартибда айрибошланиши мумкинлигини яхши билса-да, бундай фаолият билан ноқонуний равишда шуғулланиб келган. У фуқаро Ш.Камиловага 6225 АҚШ долларини ҳар бирини 1285 сўмдан ҳисоблаб, жами 8 млн. сўмга сотаётган вақтда бўлим тезкор ходимлари томонидан қўлга олинди. З.Зокировга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ҳеч ким кўрмайди ва ҳеч ким билмайди қабилида иш тутаётган қўштирноқ ичидаги бундай тадбиркорлар хато қилишади. Тўғри ишлаб, ниятни пок қилишга нима етсин.

**Аҳмад ИСАЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаментининг Тошкент шаҳар Миробод туман бўлими бошлиғи**
**Нодир МУҲАММЕДОВ,**
**мазкур бўлимнинг тезкор ходими**

# Наврўзни қаршилар мунаввар олам!

# Эзгуликнинг тумори — Наврўз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Наврўз Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг қадимий ва боқий байрамидир. У тахминан беш минг йилдан буён аждодларимиз томонидан байрам қилиб келинади.



Зардўштийликнинг муқаддас китоби — «Авесто»да гарчанд Наврўз ҳақида бевосита айтилмаган бўлса-да, шаклан ва мазмунан шу байрамни эслатувчи халқ шодиёналари тўғрисида гап боради.

Бошқа тарихий манбаларда таъкидланишича, Наврўзни байрам қилиш ахмонийлар давридан бошланган ва у Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистон халқларининг энг катта байрамларидан бири ҳисобланган. Қадимги паҳлавий китоблардаги маълумотларга асосланиб, Абулқосим Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома»сида Наврўз байрамининг пайдо бўлишини афсонавий шоҳ Жамшид номи билан боғлайди. Наврўз байрами ҳақидаги маълумотлар Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарида ҳам учрайди. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асарида Наврўзга бағишланган халқ қўшиқлари келтирилган. Ўрта Осиёлик тарихчи олим Абу Бакр ал-Наршахий (милодий 899-959 йилларда яшаган) ўзининг «Бухоро тарихи» асарида Наврўз куни Сиёвуш қабри бошида одамлар хўроз сўйишларини ва бунга уч минг йилдан ортиқроқ вақт бўлганлигини ёзган.

Ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаган халқлар ҳам бу кунни йилнинг бошланиши деб қувонч билан кутиб олганлар. Байрамга бир неча кун аввал тайёргарлик кўрганлар. Ҳовлилар, кўча-ю хиёбонлар тозаланиб, саранжом-саришта қилинган, дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилган, деворлар сувалиб, оқланган. Марҳумлар руҳини шод этиш мақсадида қабристонлар зиёрат қилинган ва ободонлаштирилган, ўтганлар руҳига бағишлаб «Қуръон»дан оятлар тиловат қилинган. Буғдой ундиришга қўйилиб, унинг майсасидан сумалак тайёрланган.

Бу куни аждодларимиз шаҳар чеккасидаги боғ-роғларга чиқиб кураш, кўпкари, кўчқор ва хўроз уриштириш, арқон тортиш, чиллак ўйини сингари халқ сайиллари ҳамда ўйин-кулгилар уюштириб, шод-хуррамлик билан ўтказишган. Урушиб аразлашганлар ярашганлар, гина-кудуратлар унутилган. Бева-бечоралар, камбағал ва боқувчисини йўқотган оилалар, етим-есирларга хайр-эҳсон қилинган.

Ҳар бир даврнинг ўз анъаналари бўлиб, вақт ўтиши билан бойиб, мукаммаллашиб боради, баъзан йўқолиб кетади. Лекин шундай анъаналар ва урф-одатлар борки, улар маълум бир халқнинг маънавий-руҳий ўзлигини ташкил этади. Ҳеч бир мустабид тузум, қонхўр ҳукмдор бу анъаналарни йўқотишга қодир эмас. Тарихда миллатимиз каби Наврўз байрами бошига ҳам оғир синовлар тушганлигини кўрамиз. Юртимизни араблар истило қилиб, Ислом дини кириб келгач, Наврўз байрамини нишонлаш ман қилинган. Шўролар ҳукумати ҳукмронлиги даврида ҳам, айниқса, ўтган асрнинг 80-йилларида Наврўз диний байрам сифатида тақиқлаб қўйилди.

Бироқ ҳар қандай зуғум ва тазйиқларга қарамай, халқимиз ўзининг бу қадимий ва мислсиз қадриятини авайлаб, ардоқлаб, қалб тўрида асраб, йиллар ва даврлар оша олиб ўтди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Наврўз байрамига ҳам янгидан ҳаёт бағишланди. 21 март — Наврўз халқ байрами сифатида белгиланиб, уни дам олиш куни деб эълон қилувчи ҳукумат қарори қабул қилинди. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Наврўз ҳаётимизга, қалбимизга қайтди. Мана ўн етти йилдирки, у руҳиятимизга қувонч ва эзгуликлар улашувчи ардоқли байрамимизга айланди.

Бугун ўлкамизда Наврўз шукуҳи ҳукмрон. Уни нишонлаш, оммавий сайилларда иштирок этиш учун қир-адирларга, боғ-хиёбонларга чиққан юртдошларимиз чеҳрасида қувонч, руҳиятида тетиклик мужассам. Давраларда ўйин-кулгу авжида, йигит-қизлар ўлан лапарлар, Наврўз қўшиқларини куйлашади. Нуроний онахонлар дошқозонларда сумалак, ёрма ва бошқа баҳорнинг тансиқ таомларини пиширишаяпти. Тўкин-сочин дастурхонларга сумалак, кўк сомса, исмалоқ, пичак, холвайтар ва бошқа ширинликлар тортилган. Ҳар хил спорт мусобақалари ва миллий ўйинлар одамларга завқ-шавқ бағишлайди.

Гўдакларнинг беғубор кулгуси, шўх-шодон болакайларнинг қийқириғи атрофини тутиб кетган. Мовий осмон узра қалдирғочлар чарх уради, арғимчоқ солиб учаётган турналарнинг овози қулоққа чалинади.

Барча жойларда Наврўз байрамига пухта тайёргарлик кўрилди. Байрамга бағишлаб умумхалқ ҳашарлари ўтказилиб, атроф-теварак, кўча ва хиёбонлар тартибга келтирилди, дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Етим-есирлар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди, бемор ва ногиронлардан кўнгил сўралди. Фольклор дасталари, аскиячилар ва қизиқчилар ҳамда халқ бахшилари бу байрамга алоҳида тайёргарлик билан келишди. Улар ижросида баҳорни, уйғониш, янгиланиш, яшариш айёмини мадҳ этувчи куй-қўшиқлар қалбларда эзгу ҳислар уйғотди.

Ҳа, Наврўзи олам — баҳор байрами, кўклам қўшиғи. У халқимиз ҳаётида теран илдиз отган, халқимизнинг руҳиятида, табиатида яшайди. Баҳор айёмининг шу шукуҳи кезларида одамлар она табиат билан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ яқинлашиб, уйғунлашиб кетади. Излагани, топгани эзгулик бўлган элга байрамлар, Наврўзлар ярашади. Шу туфайли ҳам бугун барчанинг қалбида кўклам нашидаси, Наврўз шукуҳи. Зеро, Баҳор, Наврўз кўнгиллардан бошланади.

**Норбўта ҒОЗИЕВ**

*Баҳор яшариш фасли. Бу фаслда она табиат сингари меҳнаткаш халқимизнинг ғайрату шижоати ҳам уйғонади, десак хато қилмаймиз. Чунки фасли навбаҳор келиши билан барча гўшаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари янада авж олади.*



## Обод юртга байрамлар ярашади

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 1 мартидаги Фармойишига мувофиқ март-май ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари деб эълон қилиниши, 15-16 март кунлари эса Умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши халқимиз томонидан ўзгача кўтаринки руҳ билан кутиб олинди.

Барча қаторида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси раҳбарияти бошчилигида ҳарбий прокуратура офицерлари ва хизматчи ходимлари шу йилнинг 15-16 март кунлари мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этишиб, юртимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ҳарбий прокуратура органларининг бинолари жойлашган кўчалар ободонлаштирилди, гулзорлар тозаланиб, кўчатлар ўтқазилди.

Наврўз айёми арафасида ўтказилган бу тадбир барчамизни бир-биримизга янада жипслаштириб, обод юртни севиб, ардоқлашга даъват қилиш билан бирга, ёшларимизга ўз тарбиявий таъсирини кўрсатди. Шаҳар ва қишлоқ кўчаларига чиққан кекса ёшдаги отахон ва онахонлар, аёлу эркаклар, йигит ва қизлар билан бир қаторда ҳашарга чиққан ёш болаларнинг завқ шавқини кўрган бошқа халқ вакиллари ўзбек халқининг ҳашарга бўлган муносабатига ва юртдошларимизнинг ватанимизни қанчалик севишларига гувоҳ бўлдилар.

Муҳими, умумхалқ хайрия ҳашарининг ҳар бир иштирокчиси савобли ишлардан кўнгли тўлиб, эртага кенг нишонланадиган Наврўз айёмини кўтаринки руҳда қарши олмоқда.

**Бахтиёр МИРМАҲМУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси**

## «Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин»

### бу ҳар бир қорақалпоғистонликнинг тилаги

**Ҳа, баҳор келиб ҳар бир кишининг дилида яхши, эзгу тилаклар уйғониши шубҳасиз. Халқимизнинг севимли шоири Ҳамид Олимжон бир пайтлар:**

***«Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,***
***Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади»***

**деб ёзган бўлса-да, баҳорнинг ҳар галги ташрифини ўзгача интиқлик билан кутамиз. Чунки, кўклам янгиланиш, яшариш фасли. Қорақалпоғистонликлар ҳам бу йилги баҳорни алоҳида жўшқинлик билан меҳнат мавсумининг бошланиши сифатида кутиб олмоқдалар. Қимирлаган жон борки, ўз иши билан банд. Биз шундай айём арафасида юртдошларимизнинг кўнглида кечаётган туйғуларини билишга интилдик.**

**Амударё туман прокурори Юлдаш РАЗУМОВ:**

– Наврўз — саховат, меҳр-оқибат байрами. Қувонарлиси шундаки, бу байрам яқинлашганда ҳар кўнгилда одамларга яхшилик қилиш истаги жўш уради. Бу йил ҳам раҳбарият билан бутун жамоа бўлиб туманимиз кексаларининг дуосини олиш, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини совға-салом билан йўқлашни ният қилганмиз. Энг асосийси бу ишлар йил бўйи давом этади. «Ёшлар йили» давлат дастуридан келиб чиқиб, уларнинг муаммоларига эътибор қаратиш, мутасадди ташкилотлар ва ҳомийларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш устувор вазифамиз бўлиб қолаверади.

Байрам олдидан ҳар бир соҳа ходими ўз касбидан келиб чиқиб тилак билдиради. Бизнинг тилагимиз юртимиз тинч бўлсин. Халқимизнинг ҳуқуқий маданияти бундан-да юксалсин. Ҳар ким ўз ишини билиб қилсин. Шунда орзуимиздаги ҳуқуқий демократик давлатга тезроқ эришамиз.

**Қўнғирот туманидаги «Тўрт қора-80» фермер хўжалиги раҳбари Марат АРИКБАЕВ:**

— Бу йил қиш қаттиқ бўлди. Аммо элимизда бир гап бор: «Худойим баҳорини берсин!». Шукурки, баҳор ҳам яхши келди. Бундан айниқса, биз деҳқон-фермерларнинг қувончимиз чексиз. Юртимиз раҳбарининг, халқимизнинг бизга нисбатан ишончи катта экан, албатта, бу ишончни тўла оқлаш йўлида тинмай меҳнат қиламиз. Халқ фаровонлиги, дастурхонларимизнинг тўкин-сочинлиги ва юртимиз ободлиги учун ҳали қиладиган, амалга оширадиган ишларимиз кўп. Шу мақсад йўлида фермер хўжалигимиз ҳам ўз олдига улкан мақсадларни қўйган. Бу режаларни амалга ошириб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш ниятидамиз.

Фурсатдан фойдаланиб юртимизда яшаётган барча инсонларга Наврўзингиз муборак бўлсин деймиз. Дилларида нимаики яхши истаклари бўлса, ижобат бўлишини тилаймиз.

**Беруний туманидаги «Ширин» тикувчилик цехи раҳбари Ширин ШАРИПОВА:**

— Кексаларимиз ҳунарли киши хор бўлмас дейишади. Тикувчилик касбини эгаллаганимдан буён бу гап қанчалар ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилиб келаман. Менинг шу ҳунарни эгаллаганим ва у билан машғуллигим бир бахтим бўлса, давлатимизда тадбиркорликка берилаётган юксак эътибор ҳамда шу эътиборнинг менга ҳам тегишли эканлиги яна бир бахтимдир.

Баҳор келиши билан кекса-ю ёшнинг кўнглида ўзгача туйғулар кечиши аниқ. Шулар таъсиридандир, қизлар кўклам пайти энг чиройли кийимлар кийгиси, гўзал бўлиб юргиси келади. Баҳорни интиқ бўлиб кутганлар кўнглини янаям хурсанд қилгим келади. Шу боис бу фаслда бироз ишим кўпайса ҳам оғринмайман.

Юртдошларимга баҳорий кайфият улашганга не етсин!

**Элликқалъа туман маданият бўлими мудираси Дилбар ШАРИПОВА:**

— Бундай ўйлаб қарасак, бизнинг халқимиз санъати, маданияти бой халқ. Айниқса, фольклоримизни қаранг. Эшитиб, дил яйрайди, фахр-ифтихорга тўлади.

Жамоамиз бу йил Наврўзга катта тайёргарлик кўрди. Халқ тилида неча юз йиллардан бери сақланиб келаётган қўшиқларни саҳнага олиб чиқмоқчимиз. Токи, ёш авлод ҳам булардан баҳра олсин, қувонсин. Баҳорни бежиз фасллар ичида энг сурурбахш фасл дейишмайди. Мана шу фаслда кўнгилларимизни қўшиқ исташи, шўх ялла-ю лапарларни қўмсаши бор гап. Биз жамоамиз билан халқимизнинг ана шу истагини санъатимиз воситасида амалга оширишга бел боғладик. Ишончимиз комил, баҳор кўнгилларни асло тарк этмайди. Байрамингиз муборак бўлсин!

**Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,**
**«Huquq» мухбири**

# ЁШЛАР ВА ҚОНУН

***Бугунги кунда Ўзбекистон ёшлар мамлакати бўлиб, аҳолининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ва уларнинг 44 фоизини эса вояга етмаганлар ташкил қилади. Шундай экан, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсадига айланган.***

Президентимиз Ислом Каримов 2007 йил 30 август куни Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мустақилликнинг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида шу масала, жумладан, кадрларни тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигига алоҳида тўхталиб, ўз Ватанининг тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларга эҳтиёжни қондириш вазифаси биз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ ўта муҳим ва ҳал қилувчи масалага айланганлигини, ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинганлигини, дастурда 12 йиллик таълимга ўтиш, узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини яратиш кўзда тутилганлигини, шунингдек, дастур умумтаълим мактабларидаги тўққиз йиллик ўрта таълимни, академик лицей ва коллежлардаги уч йиллик махсус касбга тайёрлаш тизимини ўз ичига олганлигини таъкидлади.

Ёшлар тарбиясига, айниқса вояга етмаганлар тарбиясига алоҳида аҳамият берилиб, ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш борасида давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги яхшиланиб бормоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, ўқимай ва ишламай юрган болаларнинг сони ҳамда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг камайишига эришилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш тадбирларининг кўлами кенгайиб, болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш мақсадида мавжуд меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг фаолияти бирмунча яхшиланди.

Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш муаммолари қарийб барча мажлисларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлигида ўтказилиб келинаётган мувофиқлаштирувчи Кенгашларда муҳокама қилиниб, бу борада амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилмоқда, зарур амалий тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси алоҳида назоратга олинмоқда.

Қонунчиликка назар ташланадиган бўлса, вояга етмаган ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни содир этиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори ҳам ана шундай муҳим ҳужжатлардан биридир. Комиссия томонидан ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларга билим бериш ҳамда ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўтган йили ҳудудий комиссиялар томонидан 1700 дан ортиқ текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш юзасидан 1800 та чора кўрилди. Шунингдек, комиссия ташаббуси билан қаровсиз ва назоратсиз қолган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болалар аниқланиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилган.

Бундан ташқари, жойлардаги ҳокимликлар ҳузуридаги ҳудудий комиссиялар томонидан вояга етмаганларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ота-она қарамоғисиз қолган ва етим болаларни ижтимоий ҳимоялаш, жисмоний ривожланишда нуқсони бўлган ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болаларни аниқлаш, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш, таълим-тарбия бериш, оилавий зиддиятларнинг олдини олиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилиши билан боғлиқ муаммолар ва бошқа бир қатор долзарб масалалар бўйича текширишлар ўтказилиб, тегишли чоралар кўрилган.

Мамлакатда ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш борасида давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини тубдан яхшилаш, ўқимай ва ишламай юрган болаларнинг сони ҳамда вояга етмаганлар муҳитида жиноятчилик суръатларини камайтиришга эришиш, бу борада қонунчилик ижроси устидан назоратни янада кучайтиришда прокуратура органларининг алоҳида ўрни бор. Ёшлар, шу жумладан вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат олиб боришда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилишга устувор аҳамият берилмоқда. Ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда 2007 йилда прокуратура органлари томонидан болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 4700 дан ортиқ текшириш ўтказилган, натижаларига кўра 25 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Кўрилган чора-тадбирлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор кучайтирилганлиги туфайли ўтган йили жиноятчилик 3,7 фоизга, ўз жонига суиқасд қилиш 11 фоизга ва бедарак йўқолиш ҳолатлари 13 фоизга камайганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2008 йилнинг юртимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан «Ёшлар йили» давлат дастури қабул қилинди. Энг аввало, ушбу дастур ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги барча долзарб муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга қаратилиши ва бунинг учун мустаҳкам қонунчилик базаси яратилиши лозимлиги белгилаб берилди.

Эндиликдаги вазифамиз — амалдаги қонунлар ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган барча асосий ва қўшимча кафолатларни ўз ичига олган янги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда бутун кучимизни етим, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратмоғимиз лозим. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларни ватанпарварлик, инсонийлик, меҳр-оқибат каби фазилатлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берган ҳолда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ амалдаги қонунлар ижроси устидан назоратни янада кучайтириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриб боришдан иборат.

**Абдурашид МАННОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси**

*Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришдаги муҳим масалалар ечими, аввало, шахснинг дунёқарашига, сиёсий-ҳуқуқий билимига ва унинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокига бориб тақалади. Жамият аъзоларининг юксак ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этишнинг муҳим шартидир. Шу сабабли ҳам ёш авлодни комил инсон даражасида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.*



# Навқирон авлодга эътибор

Ёшлар онгига гўдаклик пайтидан юртга садоқат, ватанпарварлик туйғулари билан ҳамоҳанг одоб-ахлоқ, қонун-қоидалар ҳақидаги илк тушунчаларни сингдириб бориш уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 25 июндаги 1791-сонли Фармонида ҳам аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар — давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Шунингдек, ҳуқуқий давлат қуриш йўлида олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли томонидан чуқур англаб етишига ҳар томонлама кўмаклашиш — давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифалари эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидан қуйидаги жумлаларни яна бир бор ёдга олайлик: «Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин. Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, Олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларга топшириқ тариқасида айтмоқчиман. Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин».

Ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришда барча ўқув юртларида, мактаблар, мактабгача тарбия муассасаларида Конституция ва ҳуқуққа оид билимларни ўргатиш, ҳуқуққа оид фанлардан имтиҳонлар жорий этиш, адлия, одил судлов, прокуратура, ички ишлар органларининг иш тажрибаси юзасидан учрашув ва мулоқотлар ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу вазифалар эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда идоралараро ҳамкорликни изчиллик билан амалга оширишни тақозо этади.

Шу сабабли ҳам вазирлик томонидан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига алоҳида ёндашилмоқда ва бу йил сайин ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ўтган 2007 йилда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан 4 миллиондан ортиқ ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. Уларнинг қарийб 100 минггi ОАВ орқали, 214 минг 34 таси маърузалар, 173 минг 684 таси давра суҳбатлари, 44 минг 205 таси семинарлар, 3078 таси илмий-амалий конференциялар шаклида олиб борилган.

Ушбу тадбирларнинг 176 минг 657 дан ортиғи одил судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятига тўғри келади.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури ижросини таъминлаш борасида барча давлат идоралари, ҳуқуқшунос ва журналистлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган «Энг яхши ҳуқуқий мақола» кўрик танлови ҳам ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда улар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида Адлия вазирлиги билан Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорликка оид Меморандум ижросини таъминлаш бўйича 2008 йилга мўлжалланган тадбирлар белгиланди ва амалий ишлар бошлаб юборилди. Бундан ташқари, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини янада кенгайтириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳам жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ҳамкорлик дастурлари тасдиқланиб ижрога қаратилди.

Адлия вазирлиги билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекистон овози», «Фидокор», «Адолат», «Қишлоқ ҳаёти», «Биржа» газеталари таҳририятлари билан аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани ҳам ўз самарасини бера бошлади, дейишимиз мумкин.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишдан кўзланган мақсад улар томонидан қонун талабларини онгли равишда бажаришларига эришишдир. Зеро, қонунни ҳурмат қилиш ва унга итоат этиш, биз мақсад қилган ҳуқуқий маданиятнинг асосий белгисидир.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**

**Икки марта кредит фоизи тўлаган мижоз қорасини кўрсатмай қўйгач, банк бошқарувчиси ходимларини гаровга тикилган машина эгасининг хонадонига жўнатди.**

**— Менда «Нексия» йўқ, — деди нафақадаги Эргаш ака Тешабоев.**

**ЙХХ бошқармасидан олинган жавоб унинг гапини тасдиқлади. 17 К 9740 давлат рақамли «Нексия» автомобили рўйхатда йўқ бўлиб, айнан шу рақамлар «ГАЗ-53» русумли юк машинасига берилганди. Банк маъмурияти прокуратурага расмий хат билан чиқди...**



# АНДИЖОНЛИК «АЛДАР КЎСА»

Тергов амалиётида содда одамларни лақиллатиб, мол-мулкини эгаллаб олган фирибгарларга тўқнаш келганмиз. Лекин, бир неча банкнинг тажрибали мутахассисларини чув туширган «истеъдод»нинг қилмишлари лол қолдиради кишини. Агар у «истеъдоди»ни қонуний ишлар билан шуғулланишга сарфлаганида, жамиятга ҳам, ўзига ҳам наф келтирувчи чин маънодаги тадбиркорга айланиши мумкин эди. Лекин у бошқа йўлни танлади. Ҳаммани алдаб, мол-дунё орттиришга бел боғлади.

Равшан Салиев тилёғламалик билан ҳар қандай одамнинг ишончини қозона оладиганлар тоифасидан эди. Андижон шаҳридаги енгил автомобиллар бозорида даллоллик қилиб юриб, «муомала санъатини» пухта эгаллаб олди. 2001 йили «Мубин-VII» брокерлик фирмасини ташкил қилиб, иш бошлади. 2002 йили судланиб, шартли жазо тайинланди. 2004 йили Андижон шаҳар судининг ажримига биноан судланганлиги олиб ташланди. Гўё уқилмишидан пушаймон бўлиб, астойдил ҳақ йўлига киргандай эди.

Аслида эса мўмин-қобиллик ниқоби остида тулкидай иш кўраётганди. Ташкил қилган фирмаси асосан машиналар олди-сотдиси билан банд, банкдаги ҳисоб рақамида эса 2,5 млн. сўмга яқин маблағ айланиб турганди. «Фаолият доираси»ни кенгайтириш истагида банкдан кредит олишни кўзлади. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича «Бизнес-режа» тайёрлади. «Асакабанк»нинг Андижон филиали кредит ажратишни рад этгач, брокерлик фирмасининг ҳисоб рақамини «Алоқабанк»нинг вилоят филиалига кўчирди. Кредит учун гаровга дадасининг қадрдон ўртоғи Эргаш аканинг номига расмийлаштириб олган ГАЗ-53 юк машинасини тақдим этди. (Терговда маълум бўлишича, Эргаш ака Тешабоев ўзининг номида юк машинаси борлигидан бехабар экан). Бироқ, эскирган юк машинаси гаровга нолойиқ топилди. Равшан бошини қашлай-қашлай, бунинг ҳам йўлини топди. Машина бозорига йўл олди. Бироз уринган «Нексия» машинасига харидор бўлди. Олти ярим миллион сўм таклиф қилганди, эгаси кўнмади.

—Бўпти, телефониззи беринг. Агар сотолмасангиз, ўзим оламан, —деди унга. Кечки соат бешларда унга қўнғироқ қилди.

— Сота олмадизми? Майли, айтган нархизга оламан, аммо ўзимнинг устамга бир кўрсатай. Бирор соатга бериб туринг...

«Нексия»ни ҳужжатлари билан олиб жўнади. Компьютерда Эргаш ака Тешабоев номидаги «ГАЗ-53» русумли юк машинасининг техпаспорти нусхасига «Нексия»нинг кузов рақами, 17 L 0888 давлат рақамларидан иборат сохта ёзувларни «ўхшатиб» киритди. Нусхасини қоғозга кўчириб олди. Худди техпаспортга ўхшатиб кўк ранг берди. Сўнгра устига сув қоғоз ёпиштирди. Бир қарашда техпаспортнинг сохталиги кўзга ташланмасди. Эргаш акага учраб, «шу машинани сизнинг номингизга оляпман. Пулини ўзим тўлайман, нотариусга бирга боринг», дея илтимос қилди. Бутунлай бошқа одамга тегишли «Нексия»ни қалбаки техпаспорт билан банкка миниб бориб, кўрсатди. Сўнгра кредит бўлими мутахассислари билан Эргаш акани нотариусга бошлади. Эргаш ака нотариус тузган қоғозларни ўқимасдан имзо қўйиб берди. Иш битгач, Равшан Салиев «Нексия»ни эгасига қайтариб топширар экан:

— Уста иши кўп деяпти. Янгироқ, камхаржроқ машина оламан, — дея изига қайтди.

«Алоқабанк»нинг вилоят филиали «Мубин—VII» брокерлик фирмаси Булоқбошидаги қандолатчилик корхонасидан қандолат маҳсулотлари харид қилиши учун беш миллион сўм кредит маблағини ўтказиб берди. «Тадбиркор» қандолат маҳсулотларини чакана савдогарларга нақдига пуллади.

Шу тариқа Равшан Салиев бошқа бировга тегишли автомобилнинг ҳужжатини қалбакилаштириб, гаровга тикиш эвазига банкдан ўн саккиз ойда фоизлари билан қайтаришга шартнома тузиб олган беш миллион сўм кредитни бозорда айлантирди. Икки ой мобайнида кредит фоизларини тўлаб турди. Иш хамирдан қил суғургандай осон кўчганидан ҳаволанган фирибгар янги-янги режалар тузиб, енгини шимарди. Тошкентдаги холасининг ўғли Фарҳод Пирматов Андижон иқтисодиёт институтининг талабаси бўлиб, якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланарди.

— Беш-олти миллион сўм бўлса, айлантириб икки баробар қилиб олардим, — деди бир куни жиян тоғасига.

— Тенг шерикликка кредит оберaман, — Равшан шундай дея жиянининг кўнглини тўқ қилди.

Тоға-жиян Саодатхон Аҳмедовага тегишли «Нексия» машинасини ижарага олиб, миниб юришарди. Равшан автомобилнинг техпаспорти нусхасини ясади. Сохта маълумотларни ёзиб, «ўз номига ўтказиб» олди. Аслига ўхшатиб ранг бериб, сув қоғоз қоплаттирди. Бироқ 6 млн. сўм кредит олиш учун иккита машинани гаровга тикиш лозим эди. Равшан яна бозорга йўл олди. Энди «Тико»га харидор бўлди. Эгасини алдаб, ҳужжатини сўраб олди-да, миниб кетди. Компьютерда таниши Муҳаммаджон Мирзаакбаровнинг «Москвич-412» русумли машинаси техпаспортига «Тико»нинг техпаспортидаги маълумотларни ёзиб, нусха чиқарди. «Тико»га «Москвич»нинг давлат белгисини тақиб олди.

Тоға-жиян гўё ўзларининг «Нексия» ва «Тико» машиналарини «Истиқлолбанк»га миниб бориб кўрсатишди. Нотариус орқали уларни гаровга қўйиб, «Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш» учун банкдан 6 млн. сўм кредит олишди. «Қардош» фирмасини очиб, кредит маблағларини айлантириб, фойдаланишди. Бироқ кредитни фоизи билан банкка қайтаришни хаёлларига ҳам келтиришмади.

Энди Равшан «Ипотекабанк»нинг Андижон вилоят бўлимини кўз остига олди. «Эшик ва ромларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш» учун 4 млн. сўм кредит ажратишни сўради. С.Аҳмедовага тегишли, аммо қалбаки техпаспортга кўра ўзининг номидаги «Нексия» 17K 0810 давлат рақамли автомобилни гаровга қўйиш тўғрисида нотариал шартномаларни «расмийлаштириб», банкка тақдим қилди. 4 млн. сўмга олган дастгоҳларни бир ой ўтмасдан пуллаб юборди.

Фирибгар энди кредитга машина сотиб олиб, пуллашни ихтиёр қилди. «Асакабанк»нинг Фарҳод бўлимига «Дамас» машинаси сотиб олиш учун шартнома келтирди. Банк унга 3 млн. 454 минг сўм кредитни ҳавола қилди. Сотиб олганидан кейин компьютерда қалбакилаштирилган ҳисоб-маълумотнома тайёрлаб, харид қилган машинанинг ўзини гаровга қўйиш ҳақида шартнома тузди. Машина ҳужжатининг нусхасига гўё ЙХХБдан таъқиқ қўйилгани тўғрисидаги маълумотни киритди. Асл техпаспортда эса сотиш таъқиқланиши тўғрисида қайд йўқ эди. Бир ой ўтар-ўтмас «Дамас»ни хоразмлик бир одамга сотиб юборди. Худди юқоридагидай кредитга олган «Матиз» машинасини ҳам бошқа бировга пуллади. Фирибгар шу тариқа икки ойда бешта банк филиалидан жами 17 млн. 400 минг сўмдан зиёд кредит олиб, ўз эҳтиёжига сарфлади.

Суд жараёнида фирибгарнинг айби тасдиқланди. Банкларга келтирган зарарнинг ўрнини қопламаган «алдар кўса» узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Комилжон ДАВЛАТОВ,**
**Андижон шаҳар прокуратураси катта терговчиси**

# КИРАКАШНИНГ ҚИЛМИШИ

Дилфуза (исм-шарифлар ўзгартирилган) бахтидан тинмади. Маҳалладоши Асқарга турмушга чиқди-ю, лекин икки йил ўтмасдан ажрашди. Кейин бир ёшли қизи билан ота-онасиникига кўчиб келди.

Кўп ўтмасдан Дилфуза Россияга жўнади. Бир йилча Москва шаҳридаги Одинцова бозорида мева-чева сотиб, тўрт-беш сўм топган бўлди. У ерда қўқонлик Фаррух исмли бола билан танишди. Бир кун Фаррух унга:

— Агар Тошкентга борсанг, Қўқонга ўтиб кел. У ерда тилла арзон. Лазиз деган танишим бор, ёрдам қилади. Ўзинг биласан, Москвада тилланинг нархи баланд. Тўрт-беш сўмлик бўлиб қоламиз, — деди.

Сўнг Дилфузага Тошкент-Қўқон йўналиши бўйича ўзининг «Нексия»сида тирикчилик қиладиган Бахтиёр исмли киракаш оғайниси борлигини ҳам айтиб, унинг хизматидан фойдаланишни таклиф қилган бўлди.

Дилфуза Тошкентга келгач, уч-тўрт кундан сўнг Лазизга телефон қилди.

—Тилла олмоқчиман. Москвадаги дўстингиз Фаррухнинг таниши бўламан.

—Сизни икки кундан сўнг Қўқондаги катта чойхонада кутаман. Сўраган «товар»ингиз бор, — деди Лазиз.

Орадан икки кун ўтгач, Дилфуза Фаррухнинг киракаш ўртоғига қўнғироқ қилди:

— Москвадаги ўртоғингиз Фаррух сизнинг телефонингизни берганди. Иложи бўлса, эртага мени Қўқонга олиб борсангиз. Ишим битса, кечга қайтаман. Хизматига гап йўқ.

Савдо пишди. Бахтиёр Дилфузани Қўқонга олиб бориб, кечга қайтадиган бўлди.

Улар эрталаб пойтахтнинг «Қўйлиқ» деҳқон бозори ёнидаги «Водий» бекатида учрашишди.

Тошкентдан йўлга чиққан «Нексия» кўп ўтмай Қамчиқ довонига етиб келди.

— Қўқонга олдин ҳам келганмисиз, — сўради Бахтиёр.

— Ҳа, тижорат билан кўп келганман. Қирғизистоннинг «Қорасув» бозоридан мол олиб кетардик аёллар билан. Тошкентга узум олиб бориб сотганман.

— Шоир айтганидек, водийларни яёв кезганман денг.

—Тирикчилик. Яшаш учун курашяпмиз-да.

— Почча-чи? У киши оиласи учун курашмайдиларми?

— У кишининг жавобини бериб юборганман.

— Ие, шунақами? Мен сизга айтсам, эркак деган пул топишни ҳам билиши, оилани ҳам таъминлаб қўйиши керак. Шундай эмасми?

— Гапингиз тўғри. Лекин кўп эркаклар уйда «ўтириб» қолаяпти.

— Қиладиган ишнинг ўзи йўқ-да.

— Ишлайман, пул топаман деган одам учун имконият бор. Икки йилдан буён Россияда савдо-сотиқ билан шуғулланаман. Тўрт-беш сўм топдим. Энди ана шу пулни «айлантирмоқчиман»...

Суҳбат билан улар Қўқон шаҳрига қандай кириб келганларини сезмай қолишди.

—Мени бозорнинг ёнидаги чойхонага қолдиринг. Яна 3 соатдан сўнг шу ерга келсангиз. Тошкентга қайтамиз, —деди Дилфуза ёнидан йўл ҳақи учун пул чиқариб берар экан.

—Яхши. Мен машинани устага кўрсатишга ҳам улгурар эканман, — деди Бахтиёр.

Улар хайрлашишди. Соат 16.00 ларга яқин Бахтиёр белгиланган жойга етиб келди.

—Кетдикми? —деди у Дилфузани кўргач.

—Номардлар келишмади, —деди Дилфуза асабий бир аҳволда. Сўнг у «Нексия»нинг орқа ўриндиғига ўтирди.

—Нима бўлди, синглим. Ишингиз битмадими?

— «Товар» олишим керак эди. Келмади. Қўл телефонига қўнғироқ қилсам, ўчирилган. Қанча харажатга тушдим.

— Асабингизни бузманг. Ҳаммаси яхши бўлади. Мени айтди дейсиз, —деди Бахтиёр уни юпатиб.

«Нексия» Тошкентга йўлга чиқди. Орадан чамаси икки соатлар ўтгач, улар йўл четидаги чойхона ёнида тўхташди.

—Эрталабдан бери туз тотмадим. Машинани устага кўрсатаман деб тушлик ҳам қилолмадим, —деди Бахтиёр.

Бахтиёр овқат билан бир шиша коньяк ҳам буюрди. Улфатчилик бошланди. Дилфуза ҳам «давра» кўрган, қайтадиган аёллардан эмасди. Охиригача олди. Сўнг яна бир шиша коньякни бўшатишди. Сўнг йўлга тушишди.

Кўп ўтмай Дилфуза уйқуга кетди. Ичилган коньяк Бахтиёрнинг қонини жунбушга келтириб, шайтон васвасага солди. Машинани йўл четидаги хилват жойга бурди. Сўнг ухлаб ётган Дилфузанинг юз-кўзларидан ҳирс билан ўпа бошлади. Дилфуза коньякнинг таъсиридан олдинига ҳеч нарса англамади. Сўнг қаршилик қилган бўлди. Кейин...

Автомашина яна йўлда давом этди. «Бу аёл бекорга Қўқонга бормайди. Товар олишга боради. Шунга қараганда ёнида «кўки» анчагина бўлса керак». Шу хаёл Бахтиёрга эрталабдан тинчлик бермасди. «Нексия» пойтахтга кириб, «Чирчиқ» дарёси яқинида тўхтагач, Бахтиёр мақсадга ўтиб қўя қолди. Ўриндиқнинг тагидаги пичоқни чиқариб: «Ёнингдагини чиқар. Бўлмаса ўлдираман, дея пичоқни Дилфузанинг бўйнига тиради. Унинг сумкасидаги 2200 АҚШ долларини олиб, ўзини машинадан тушириб юборди. «Агар милицияга борадиган бўлсанг, бошинг кетади», деди.

Ўша куниёқ Дилфуза Содиқова Бектемир туман ИИБга бўлиб ўтган воқеа ҳақида ариза билан мурожаат қилди.

Орадан икки кун ўтмасдан Бахтиёр Рўзиев Қўқонга кетаётганда ИИБ ходимлари томонидан ушланди. У терговда умуман бу жиноятни содир қилмаганлигини айтиб, ўзини айбсиз эканлигини исботламоқчи бўлди. Лекин гувоҳларнинг кўрсатмалари, суд биологик экспертизасининг хулосалари айбдорнинг қилмишини фош қилди.

Бахтиёр Рўзиевнинг қилмишини жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди кўриб чиқди ва айбдорга тегишли жазо тайинлади.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**«Huquq» мухбири**



# 14 МИЛЛИОН БЎЛИНАДИ

Хитойнинг «Синьхуа» ахборот агентлигининг хабар беришича, Тибет пойтахтида юз берган оммавий тартибсизликларда иштирок этганлар ўз хоҳиши билан ҳукумат қўшинларига таслим бўлишмоқда.

Полициячиларнинг маълумотига қараганда, чоршанба кунига қадар Лхасдаги оммавий тартибсизликларда қатнашган 105 киши ўз хоҳиши билан полицияга келган. Тибет маъмурияти вакилининг айтишича, тартибсизликларда асосан мастлик ҳолатида бўлган шахслар иштирок этишган. Шунингдек, ушбу тартибсизликлар нaтижасида 14 млн. АҚШ доллари миқдорида иқтисодий зарар етказилган. Ҳукумат вакилларининг фикрича, ушбу зарарнинг бир қисмини қоплашни Лхасдаги воқеаларга алоқадор шахслар зиммасига юклаш зарур. Рўй берган воқеаларда ҳалок бўлган 13 киши тартибсизликлар қурбони сифатида эълон қилинган. Ҳукумат маълумотига кўра, улар ёнғин ҳамда этник низолар натижасида қурбон бўлишган.

# Ректор кирдикорлари



Россия давлат алоқа йўллари очиқ университети ректори ҳамда ушбу муассаса бош бухгалтери ноқонуний равишда 11 та хонадонни сотиб юборганликда ва кўп миқдорда давлат мулкини ўзлаштирганликда айбланмоқдалар, деб хабар қилинади Россия ИИВ интернет сайтида.

Гап шундаки, университет Балтийск кўчасидаги олий ўқув юртига қарашли ер майдонларида иккита кўп қаватли уй қуриш бўйича инвестицион шартнома тузади. Шартномага мувофиқ, қурувчи уйлар қуриб битказилгандан сўнг университетга хонадонларнинг умумий майдонидан 14 фоизини берган. Режа бўйича ушбу хонадонлар олийгоҳнинг ўз уй-жойига эга бўлмаган ёки алоҳида уй-жойга муҳтож катта оилали ўқитувчиларига берилиши лозим эди. Бироқ, нафс балоси деганларидек, ректор жаноблари бош бухгалтер билан жиноий тил бириктириб, сохта ҳужжатлар асосида 11 та хонадонни арзонлаштирилган нархда сотиб юборишади. Уй савдосидан тушган пулларни эса ўзаро тақсимлаб олишади.

Тергов жараёнида аниқланишича, жиноятчилар томонидан етказилган зарарнинг умумий қиймати 70 миллион рублни ташкил этади. Ҳозирда университет бош бухгалтери суд қарорига мувофиқ эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланмоқда. Агарда ректор ҳамда унинг шериги айбдор деб топилса, уларнинг ҳар бири 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

# Криминалга барҳам бериш лозим



Косово мақоми мазкур ҳудудда ҳамон катта муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Чунки асосий эътиборни этник низоларни бартараф этишга қаратаётган полиция ва хавфсизлик кучлари ҳудудда ўсиб бораётган жиноятчиликка қарши курашда бир мунча сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Косово маъмурий маркази Приштинада рўй берган отишма натижасида 13 киши ярадор бўлган. Маълумотларга қараганда, ўзаро муносабатларга ойдинлик киритишга уринган икки жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида келишмовчилик юз бериб, отишма бошланган. Ачинарлиси, отишмадан ўша жиноий гуруҳ аъзолари эмас, балки кўпроқ тинч аҳоли вакиллари азият чекишган.

Воқеа жойига етиб келган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари отишмада иштирок этган тўрт нафар жангарини ушлашган. Сўнгги вақтда Косовода содир этилаётган жиноятлар БМТ расмийларини ҳам жиддий ташвишга солмоқда. Ташкилотнинг ушбу ҳудуд бўйича махсус комиссари юқоридаги ҳолатга барҳам бериш бўйича халқаро полициячиларни ёрдамга чақириш лозимлигини таъкидламоқда, деб хабар беради «Риа новости» ахборот агентлиги.

# «Хушхабар» қутқарилди

Бразилияни кашф этилишида рамзий маънога эга бўлган кеманинг чўкиб кетишига сал қолди. Гап шундаки, 1500 йилда португалиялик таниқли сайёҳ Педро Альварес Кабрал кемалар эскадрасини тузиб, Лиссабондан Ҳиндистонга йўл олади. Африка қирғоқларида эса курсдан чиқиб кетиб Атлантика океани томон кетиб қолади. Шундай қилиб, 1500 йилнинг 22 апрелида у бошчилигидаги эскадра ҳозирги Бразилия қирғоқларига етиб келади. Ушбу кемалар эскадраси ичида «Хушхабар» номли кема ҳам бўлган. Кейинчалик, мазкур кеманинг нусхаси Сан Паулу штатининг Кампинас шаҳридаги «Португалия» паркида музей экспонати сифатида жойлаштирилади. 19 март куни музей ходимлари кема секин-аста чўкаётганини билиб қолишиб, дарҳол хавфсизлик хизматига хабар беришади. Тезкорлик билан иш олиб борган музей хавфсизлик хизмати ходимлари ва ўт ўчирувчиларнинг саъй-ҳаракати ўлароқ кема чўкиб кетишининг олди олинди. Мазкур воқеа юзасидан полициячилар чақирилиб, ҳозирда тергов-суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда. Чунки бу сув устидаги музейнинг биринчи марта чўкиб кетишининг бартараф этилиши ҳолати эмас. 1979 йилда номаълум шахслар қасддан музей-кемага шикаст етказиб, чўктириб юборишган. 1992 йилга келиб эса кема сув сатҳидан кўтарилиб, қайта реставрация қилинган ва ихлосмандлар ихтиёрига ҳавола этилган, деб хабар қилади «Риа новости» ахборот агентлиги.



# ЕВРОПАГА ИЛК ПАРВОЗ

Дунёдаги энг катта ва узоқ масофага учувчи «Аэробус А380» йўловчи самолёти Европага ўзининг илк тижорат рейсини амалга оширди. 18 март куни 13 соатли парвоздан сўнг лайнер Лондоннинг «Хитроу» аэропортига муваффақиятли қўнди. Мазкур вақт ичида у Сингапурдан Британиягача бўлган 11 минг километрлик масофани учиб ўтган.

Гап шундаки, «Аэробус А380» ҳаво кемаси ишлаб чиқарувчилар томонидан 2007 йилнинг кузида, биринчи бўлиб Сингапурнинг «Singapur Airlines» авиакомпанияси учун етказилган. Бироқ, бу турдаги самолётлар Европага рейсларни амалга оширмаган, улар фақат Сиднейга учган, холос. Эконом классда Британияга бориш-келиш чиптасининг нархи 2000 минг АҚШ доллари бўлиб, бу халқаро нарх-навога солиштирганда қиммат эмас. Ўша кунги парвозда лайнер бортида 449 та йўловчи бўлган. «Airbus» компаниясида ишлаб чиқарилувчи самолётнинг бу турида аввалгиларидан бир мунча афзалликлар бор. Яъни, «А380» ўз «аждодларига» қараганда ёқилғига тежамлироқ ҳамда экологик жиҳатдан бошқа самолётлардан хавфсизроқ деб тан олинган. Бундан ташқари, «А380» жуда катта бўлганлиги сабаб, унда суперлюкс ўриндиқлар ҳамда ётоқ жойлари ҳам мавжуд.

Мазкур самолётнинг илк тижорат парвози 2007 йилнинг октябрь ойида амалга оширилган бўлиб, лайнерлар буюртмачиларга бир йил аввал етказилиши режалаштирилган эди. Бироқ, «Airbus» компанияси технологик муаммолар туфайли етказиш муддатини узайтиришга мажбур бўлди. Кутилишича, «Singapur Airlines»дан сўнг, «А380» самолётлари 2008 йил ёзида «Qantas» авиакомпаниясига, декабрларда «Emirates»га етказилади. 2012 йилга келиб эса «British Airways» компанияси йўловчилари ҳам икки палубали лайнерларда уча бошлайдилар, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.



# Тўфоннинг навбатдаги қурбони

Мексиканинг Монтеррей шаҳри бўйлаб ўтган тўфон икки кишининг ўлимига сабаб бўлди. Соатига 100 километр тезликда эсган кучли шамол шаҳардаги инфратузилмани, алоқа тизимини деярли ишдан чиқарди. Қатор биноларга шикаст етди. Тўфон тўсатдан рўй берганлиги натижасида кўплаб одамлар турли даражадаги тан жароҳати олдилар. Ҳозирги кунда, мамлакат ҳукумати томонидан рўй берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича дастур тузилиб, бу йўналишда жадал равишда иш олиб борилмоқда, деб хабар қилади «Риа новости» ахборот агентлиги.

Таъкидлаш кераки, сўнгги вақтда Шимолий ҳамда Жанубий Америка қитъалари Атлантика океанидан кучли тўфонлар ҳужумига дуч келмоқда. Охирги икки йил ичида АҚШнинг ўзи тўфонлар натижасидан бир неча миллиард доллар миқдорида зарар кўрган, ўнлаб кишилар қурбон бўлган.

# ГЕНЕРАЛЛАР ЖАЗОГА ТОРТИЛМОҚДА

Украинанинг Львов шаҳрида мудҳиш авиашоу фожеаси бўйича давом этган суднинг иккинчи қисми ниҳоясига етмоқда. Маълумки бу ерда ташкил этилган авиашоуда намойиш парвозини амалга ошираётган қирувчи самолёт тўсатдан бошқарувини йўқотиб, томошабинлар устига қулаб тушган. Фожеа натижасида кўплаб одамлар жароҳатланган ҳамда ҳалок бўлган.

Прокуратура томонидан мазкур ҳолат бўйича жиноят иши очилиб, икки қисмда тергов ҳаракатлари олиб борилган. Ишнинг биринчи қисми бўйича суд қулаб тушган қирувчи самолёт учувчиларини айбдор деб топиб, бирини 12, бошқасини 14 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган.

Ишнинг иккинчи қисми бўйича эса одамларнинг оммавий ҳалок бўлишига олиб келган совуққонлик учун Украина ҳарбий ҳаво кучларининг тўрт нафар собиқ генерали жиноий жавобгарликка тортилган. Айни дамда тергов ҳаракатлари тугатилиб, иш судда кўриб чиқилмоқда, деб хабар қилади «Риа новости» ахборот агентлиги.

# Қидирув эълон қилинди




Латвия полицияси келиб чиқиши россиялик бўлмиш америкалик ишбилармон Леонид Рожецкинни қидирувга берди. У жорий йилнинг 16 март куни Юрмала шаҳридаги ўз уйида дом-дараксиз йўқолган, деб хабар қилади Латвия оммавий ахборот воситалари. Рожецкин Россияда қатор тарихий битимлар муаллифи сифатида танилган. 1997 йилда «Связьинвест» холдинг акцияларининг 25 фоизи «Mustcom» консорциуми томонидан сотиб олиниши шулар жумласидандир. «Мегафон» ва «Альфа-групп» компаниялари акцияларининг назорат пакети сотиб юборилгандан сўнг, у Москва шаҳар прокуратураси томонидан халқаро қидирувга берилганди. Қизиғи шундаки, охирги пайтларда Рожецкин билан мулоқотда бўлган одамларнинг фикрича, у жазодан қутилиб қолиш учун ўзининг сохта ўғирланиши ёки ўлимини уюштирган бўлиши мумкин. 18 март куни Латвия давлат полицияси вакилларининг журналистларга берган баёнотида 1966 йилда туғилган, АҚШ фуқароси бўлмиш Леонид Рожецкин қидирилаётганини расман билдирилди.

# Биринчи муаммо — пенсия масаласи

Грецияда мамлакат парламентида муҳокама этилаётган пенсия ислоҳотига қарши 24 соатлик оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди, деб хабар қилади «Риа новости» ахборот агентлиги.

Гап шундаки, мазкур ислоҳотга кўра айрим ҳолатларда пенсияга чиқиш ёши ошиши ҳамда пенсия пули камайтирилиши белгиланган. Унда 133 та турли пенсия фондларини 13 та йирик муассасаларга бирлаштириш назарда тутилиб, аёллар учун пенсия ёши 62 дан 65 га оширилган. Эркаклар эса авваллан 65 ёшда пенсияга чиқишган. Ҳукумат расмийларининг айтишича, агарда шундай қарорга келинмаса, у ҳолда аҳолиси қариётган мамлакатдаги турли мажбуриятларни зиммасига олган фондлар албатта касодга учрайди. Маълумки, ҳозир Европа давлатларида ўлим туғилишга нисбатан кўпроқ. Болалар туғилиши эса камайган. Греция ҳам бу давлатлар қаторидан жой олган.

Мухолифат ҳамда касаба уюшмалар ушбу ислоҳотни кескин танқид остига олдилар. Бироқ, 300 та ўринли парламентда 151 ўринга эга бўлган ҳукмрон «Янги демократия» ўнгмарказ партияси мазкур ислоҳотни ҳаётга татбиқ этиш ниятида.

Норозилик намойишлари мана ўн кундан бери кичик ҳажмда давом этиб келмоқда. Лекин, чоршанба куни Грециядаги иккита энг катта касаба уюшмалари — Ишчилар бош конфедерацияси ҳамда Хизматчилар федерацияси аъзолари намойишга чиқишган. Ушбу касаба уюшмалари давлат ва хусусий секторнинг миллионлаб ишчи-хизматчиларидан ташкил топган. Таъкидлаш жоизки, сўровномага асосан греклар пенсия масаласини мамлакатнинг биринчи муаммоси деб эътироф этишади. Бироқ, уларнинг деярли 70 фоизи ҳукумат томонидан таклиф этилаётган ислоҳотларга қарши.

«Internet» хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади

*Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Бош прокуратура ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази жамоаси прокуратура фахрийси **Анатолий РОГОЖНИКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.




**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАЛАРИНИНГ**

## «Ишонч телефони» рақамлари рўйхати

| Т/р | Ҳудуд | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код: 8371 | 233-66-25, 233-76-22 |
| 2. | Андижон вилояти | Код: 8374 | 224-06-09 |
| 3. | Бухоро вилояти | Код: 8365 | 223-74-79 |
| 4. | Жиззах вилояти | Код: 8372 | 226-09-62 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | Код: 8375 | 221-07-82 |
| 6. | Қорақалпоғистон Республикаси | Код: 8361 | 222-26-39 |
| 7. | Навоий вилояти | Код: 8436 | 225-07-17 |
| 8. | Наманган вилояти | Код: 8369 | 226-23-02 |
| 9. | Самарқанд вилояти | Код: 8366 | 235-07-34 |
| 10. | Сирдарё вилояти | Код: 8367 | 225-38-22 |
| 11. | Сурхондарё вилояти | Код: 8376 | 223-20-36 |
| 12. | Тошкент шаҳри | Код: 8371 | 273-74-81 |
| 13. | Тошкент вилояти | Код: 8371 | 277-76-18 |
| 14. | Фарғона вилояти | Код: 8373 | 224-04-80 |
| 15. | Хоразм вилояти | Код: 8362 | 227-45-71 |
| 16. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти | Код: 8371 | 233-84-20 |



**Бундан ташқари, ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича 232-43-91 рақамли «Ишонч телефони» орқали Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига мурожаат қилиш мумкин. Мурожаат қилган шахснинг исми ва фамилияси сир сақланиши кафолатланади.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ**

# Энг, энг, энг...

Сизнингча дунёдаги энг қиммат люкс хона қайси давлатда, қайси меҳмонхонада бўлиши мумкин? Билмайсизми? Унда билиб олинг. Японияниң Токио шаҳридаги Ritz-Carlton меҳмонхонасининг энг юқори қаватидаги люкс хона дунёдаги энг қиммат хона ҳисобланади. Бу хонада бир кеча ухлаш учун «атиги» 20 минг АҚШ доллари тўланиши лозим. Агар пулга зиқналик қилмасангиз, меҳмонхона барида 16 минг долларга бир бокал «мартини»га буюртма беришингиз ҳам мумкин.

* * *

Австрия компанияларидан бири эса туристлар учун мўлжалланган дунёдаги энг қиммат ва ҳашаматли фургонни йиғишди. Бир миллион доллар турадиган мазкур автомобилда яшаш учун хона, ошхона ва катта миқдордаги озиқ-овқат сақланадиган музлатгич жойлашган.

* * *

Дунёдаги энг қиммат уйни ҳиндистонлик магнат Лакшми Миттал сотиб олишга эришди. Бунинг учун у бор-йўғи 128 млн. доллар сарфлади, холос. Бу уй подшоҳлар қасрини эслатади. Айтишларича, ҳатто мазкур уйдаги бассейн қурилишида ҳам қимматбаҳо тошлардан фойдаланилган экан.

* * *

Нархи бир неча миллион доллар турадиган, дунёдаги энг қиммат ҳисобланадиган шахмат доналари Истанбулдаги султон музейида сақланади. Турк султони доналари қимматбаҳо тошлар билан безатилган бу шахматни ҳинд рожасидан олган экан.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati:
Yusupboy G`OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO`JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks:233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma Г — 255. 27486 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.00 1 2 3 4 5 6 7 8

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda